



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 19 июль сешанба № 31 (758)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Бугун ўзбек автомобилсозлигига асос солинганига 15 йил тўлади

Ўзбекистон автомобилсозлиги



1996 йил 19 июль куни Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Асака шахридаги автомобиль заводи ишга туширилган эди. Бугун республикамызда автомобилсозлик саноати ривожланиш кўламини тобора кенгайтириб бормоқда.

Асака шахридаги «GM-Uzbekistan» компаниясида замонавий стандартларга жавоб берадиган, қулайлиги, хавфсизлиги, ишончилиги ва тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган энгил автомобиллар ишлаб чиқаришмоқда. Самарқанддаги «СамАвто» заводида тайёрланаётган «Исузу» русумли автобуслар, юк автомобиллари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари — автофургонлар, сув ташиш, сут ташиш, чиқинди ташиш машиналари, автомобилдорларга манзур бўлмоқда. «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонасида эса замонавий юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқарилади.

Кучли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб туриш осон эмас. «Damas», «Tico», «Nexia» автомобиллари Ўзбекистон автосаноатининг биринчи «қалдирғочлари» бўлган эди. Кейинчалик «Matiz», «Lacetti», янги русумдаги «Damas», «Nexia» автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўзбекистон автосаноати 2008 йилда янги ҳамкор ва салоҳиятли инвестор — «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака автомобиль заводида «Chevrolet» русумидаги «Lacetti», «Captiva», «Epica» автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди. 2010 йилнинг август ойидан эса «GM Uzbekistan»нинг янги русумдаги «Chevrolet Spark» автомобили хариддорларга тақдим этилмоқда. Ҳозир «Nexia» классидagi янги автомобилни ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

«Chevrolet Spark» автомобилни яратишда асосий эътибор юқори даражадаги хавфсизлик ва юксак қулайликка қаратилди. Унинг конструкциясидаги шу каби афзалликлар Европа стандартлари бўйича жуда юқори баҳоланди: «EuroNCAP»нинг краш-тестларида тўрт юлдузни қўлга киритди. «Chevrolet Spark» автомобили «GM Uzbekistan» заводи конвейеридан тушган 7-модель ҳисобланади. «Spark» ўзбек тилига ўтирилганда «учкун» деган маънони англатади.

Автомобилларимиз кенг тармоқли дилерлик савдо корхоналари орқали Россия, Украина, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, хорижикидан асло қолишмайдиган сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бамперлар, тутун чиқаргичлар, ёнгил қисмлари, автомобиль ойналари, аккумуляторлар, электр ўтказгичлар учун жугтлар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, труба, бўёқлар ва бошқа кўпгина жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Кейинги беш-олти йил ичида маҳаллий етказиб берувчилар сони 20 дан 200 га етди.

«Ўзавтосаноат» АК ривожланиш дастури доирасида 2008-2010 йилларда 770 миллион АҚШ доллари қийматидаги 40 дан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, 2011-2012 йилларда эса 30 лойиҳа доирасида 470 миллион АҚШ доллари ортиқ сармоя ўзлаштирилиши режалаштирилган.

2009 йили «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ташкил этилди. Дунёнинг атиги 18 мамлакатда энгил автомобиллар учун двигателлар тайёрланади. Тошкент вилоятида барпо этилаётган «General Motors Powertrain Uzbekistan» деб номланган ушбу янги завод жорий йилнинг ноябрь ойида ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олади. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида «Ўзавтосаноат» АК ва Германиянинг «MAN Truck & Bus AG» компанияси ҳамкорлигида «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонаси учун оғир юк кўтарадиган автомобиллар ишлаб чиқарадиган янги завод қурилиши давом этмоқда.

Маълумки, жаҳон иқтисодий инқирози ўтган йили дунё автомобилсозлигини ҳам ўз домига тортганини ҳамма яхши билади. Кўпгина автомобиль ишлаб чиқарувчилар бозори юришмай қолди. Автомобиль ишлаб чиқарувчилар Европа ассоциациясининг маълумотларига кўра, шундай бир пайтда «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия» экспорти 2010 йилнинг 9 ойида 1,52 бараварга, «Матиз»ники эса 26 фоизга ортган. Йил бошида «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси маъмурияти Россияга автомобиль экспортини 2009 йилдагига нисбатан 20 фоизга кўпайтирилиши билдирган эди. Амалда бу кўрсаткич 28 фоизни ташкил этган.

Жорий йилнинг 7-10 июль кунлари Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича катта вице-президенти ва бош иқтисодчиси Жастин Лин раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлди. У Тошкент вилоятида қурилган ва жорий йил охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси минтақада автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона завод эканлигини, унинг илғор технологиялар билан таъминланганини, яхши истикболга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Соҳада юқори малакали муҳандис ва ишчи-ҳодимлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 27 апрелда қабул қилинган Қарорига биноан ташкил этилган Тошкентдаги Турин политехника университетида ёшлар машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, саноат ва ҳўжалик қурилиши, архитектура ва саноат дизайни, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факультетларида таҳсил олмақда.

Алимкул СУЛТОНОВ тайёрлади.

Юртимиз дунё нигоҳида

Ўзбекистон минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт ўрнатишда катта роль ўйнайди

Жорж КРОЛ,

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси



— Ўзбекистон ва ўзбек халқи тўғрисида қандай тасаввурга эгасиз?

— Мен Ўзбекистонга Америка Қўшма Штатлари элчиси сифатида келганимдан жуда хурсандман. Бутун дунёга меҳмондўстлиги билан танилган ушбу мамлакатда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қилмоқдам. Ўзбекистонда Америка дипломатик ваколатхонасининг раҳбари бўлиб хизмат қилиш мен учун буюк шараф, имтиёз ва қувончдир. Мен Ўзбекистонга аввал ҳам келганман, жумладан, яқинда бу ерга Давлат котибининг Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчисининг муовини сифатида ташриф буюргандим. Бу сафар эса мен Ўзбекистонга уни тинглаш, ўрганиш, шу билан бирга ўз мамлакатимни ўзбек халқига яқиндан таништириш учун келдим.

— Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни қандай баҳолайсиз?

— Ишонамани, бизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар яна ҳам ривожланиб, ҳамкорлик ва бир-биримизга бўлган ишонч янги босқичга кўтарилади. Мен икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бор имкониятимдан фойдаланмоқчиман.

Ўзбекистон ва унинг халқи қадимий тарихга эга, аммо бу ҳали янги ва ёш мамлакат. Тарихда бўлгани каби ҳозир ҳам Ўзбекистон бу минтақада сиёсий, маданий ва иқтисодий марказ ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳамма вақт минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт ўрнатишда катта роль ўйнаган. Ўзбекистоннинг бундай конструктив ролини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш Америка Қўшма Штатларининг асосий вазифаларидан биридир.

Минтақанинг жаҳондаги ривожланган, барқарор, тинч ўлкалардан бири бўлиши мамлакатларимизнинг манфаатига хизмат қилади. Ўзбекистон мустақил мамлакат бўлганидан бери ўз мустақиллигини мустаҳкамлашда катта ютуқларга эга бўлди. Асосий эътибор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга қаратилди ва бу Ўзбекистоннинг узоқ йиллардаги барқарорлиги ва тараққиётини таъминлади. Бу минтақада хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш жараёнида Америка Қўшма Штатлари ўзбек халқига ишончли шерик бўлишни истайди. Буни амалга ошириш эса элчи сифатида менинг энг муҳим бурчимдир.

— Мустақиллик байрами арафасида ўзбек халқига тилакларингиз?

— Мен Америка халқи номидан ўзбек халқини Ўзбекистон Мустақиллигининг йилгирма йиллиги билан табриклайман. Мен ўзбек халқининг ютуқларини оқшайлаётган барча америкаликларга қўшилган ҳолда барчангизга тинчлик, тараққиёт ва муваффақият тилайман.

Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклаш учун берилган бундай имкониятни юксак қадрлайман.

«Инсон ва қонун» газетаси муҳбири Фарида ҚОРАКУЛОВА ёзиб олди.

Депутат минбари

Соғлом ва бардам келажак масъуллиги

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини, уларнинг истеъмолчини чеклашга қаратилган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси депутатларнинг қизгин баҳс-мунозаралари, таклиф-мулоҳазаларидан сўнг қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди.



Соғлом ва бардам келажак масъулиги

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришган илк кунларданок, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фуқароларимиз, айникса, ёшларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларни турли ёт ғоялардан, келажак қушандаси ҳисобланган иллатлардан асрашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, миллатнинг эртанги келажаги ёш авлод қўлидадир.

(Давоми. Боши биринчи бетда)

ШУ НУҚТАИ назардан олиб қараганда, фуқароларимиз, шу жумладан фарзандларимиз саломатлигига, уларнинг етук шахс сифатида камол топишига жиддий ҳавф солаётган ички, чекиш каби салбий иллатларни бартараф этиш, уларга қарши курашиш республикамизда давлат сийсати даражасига кўтарилган.

Тан олиш керак, дастлаб шунчаки қўнгилхушлик учун ўйлаб топилган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бугун чин маънода "офат" бўлиб, башариётнинг соғлом ҳаётига жиддий ҳавф солмоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ер юзиде ҳар 6 сонияда 1 киши, 1 дақиқада 10 киши, 1 соатда 600 киши, 1 кеча-кундузда 14400 киши, 1 йилда эса 5 миллион 256 минг киши тамаки асоратлари оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Қашандаларнинг 90 фоизи ўпка ракидан, 75 фоизи сунраликидан бронхитдан, 25 фоизи эса юрак касаллигидан нобуд бўлмоқда.

Ичкилик туфайли содир бўлаётган ҳасталиклар сони ҳам юқоридаги рақамлардан ортиқ бўлса бори, кам эмас.

Айтиш жоизки, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишни тўлиқ тақиқлашнинг имкони йўқ. Бирок, мазкур маҳсулотларнинг рекламасини тақиқлаш, уларнинг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини ёш жиҳатдан чеклаш жорий этиш айни муддао. Зотан, бу каби ҳолатларни ривожланган давлатлар қўнунлари, тажрибалари "Мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, бир қатор Европа давлатларида, Туркия, Хитой, Украина, Россия, Германия, Бельгия, Италия, Сурия, Миср, Кипр, Болгария, Индонезия ва АКШнинг бир қанча штатларида чекиш қўнуний тақиқланган.

Ўтган йили эса, Финляндияда қашандаликни чеклашга қаратилган дунёдаги энг қатъий қўнун қабул қилинди. Унга кўра, 18 ёшга тўлмаган йигит-қизга тамаки маҳсулоти сотиш ва бошқа йўлар билан қўлга бериш қатъиян ман этилди. Агар унга амал қилинмаса, айбдор катта миқдорда жарима тўлаиди ёки олти ойгача озодликдан маҳрум қилинади.

Таъкидлаш лозимки, республикамиз қўнунчилигида ҳам ўтган давр мобайнида халқроқ ҳуқуқ нормалари ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини чеклашга қаратилган бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, 2010 йилнинг 18 сентябрдан эътиборан "Реклама бўғисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қўнун қўчга кирди. Унга мувофиқ, республикамизда тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкогольли ичимликлар рекламаси ман этилиб, мазкур ўзгаришга биноан "Реклама тўғрисида"ги Қўнуннинг 23-моддаси қўйидаги қўнунда қабул қилинди:

"Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкогольли ичимликлар рекламаси тақиқланади, шу жумладан:

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвирдан фойдаланиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортида кириш) жойларида, витриналарида, ташқарида олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақида-



ги бошқа ахборотни ўрнатилган тақиқланади".

Мазкур қоидалар бузилган тақдирда тегишли жазо чоралари қўлланилиши қўнун нормасида қатъий белгилаб қўйилди.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида эса, ал-

коголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини, уларнинг истеъмол қилиниши чеклашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қўнун лойиҳаси депутатларнинг қизғин баҳс-мунозаралари, тақлиф-мулоҳазаларидан сўнг қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Мазкур Қўнун 5 та боб, 29 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади фуқаролар, айникса, йигирма ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, пировардида эса, ушбу маҳсулотларнинг фуқаро соғлигига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тарқатилган статистик маълумотларга қараганда, аксарият қашанда бир чекишни 18 ёшга тўлмай бошлашаркан. Шу туфайли ҳам янги қашандаларнинг чорак қисмини вояга етмаган болалар ташкил этади. Мазкур рақамлардан шу нарсани аққол аңлаш мумкинки, ички ва чекишга қарши курашни, аввало, ёшлардан бошлаш лозим.

Демак, мазкур чекловларни дастлаб ёшлар ўртасида татбиқ этишда Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қўнун мўҳим аҳамиятга эга. Зеро, мазкур ҳуқуқий ҳужжат 20 ёшга тўлмаганлар ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши, уларнинг тарқатилиши, сотилиши, таълим муассасаларига яқин савдо шохобчаларида бу маҳсулотлар сотунини чеклаш, мазкур маҳсулотлар идишларини диққатни тортидан қилиб беэмааслик, аксинча уларнинг зарари ҳақида катта ҳарфлар билан ёзиш, жамоат ва ўқш жойларида чекишни тақиқлаш, унинг истеъмол қилиниши тарғиб қилмаслик имконини беради.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Қўнунда кинотеатр, театр, музей, цирк, концерт ва кўргазма заллари, иш жойлари, тиббиёт муассасалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бинолари, спорт иншоотлари, таълим ва тарбия муассасалари, болалар ва ёшлар дам олиш жойлари, жамоат транспорти ҳамда шунга ўхшаш жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқлаш қўнун нормалари билан белгиланмоқда.

Шу билан бирга, спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини олиб келиш, сотиш билан шуғулланувчи шахслар фаолиятини тартибга солишда ҳам ушбу Қўнун мўҳим омил бўлади.

Унутмаслик лозимки, иллатга қарши курашда давлат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи органларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилини-

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қўнунчилик
палатаси депутати

Тилга эътибор ўзаро фикр алмашишди

Қўнунчилик лингвистикаси талабларига риоя этишининг аҳамияти

ЯҚИНДА Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тилга оид (лингвистик) нуқтаи назардан таҳлил қилишнинг аҳамияти" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қўнунининг амалга оширилиши бўйича Республика комиссияси раиси томонидан 2010 йил 10 декабрда тасдиқланган комиссия мажлиси баённомасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўнунчилик лингвистикаси нуқтаи назардан таҳлил қилиш натижалари ва амалга оширилмаган долзарб вазифалар белгиланган эди.

Айни пайтда адлия идораларида жойлардаги юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда қўнунчилик лингвистикаси борасидаги малакаларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Дастур асосида ўтказилмоқда. Шунга мувофиқ ташкил этилган тадбирда юридик хизмат фаолиятини тартибга солувчи қўнун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қўнунчилик лингвистикаси талабларига риоя этилиши ва бошқа шу қабили ҳақида сўз борди. Тилшунос мутахассислар ҳам иштирок этган ушбу ўқув-семинарда қатнашчилар бу борадаги мавжуд масалалар ҳусу-да фикр-мулоҳаза билдирди.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

ИЖТИМОЙИЙ ва иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши, хусусан, фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг амалда тўлиқ таъминлиниши албатта, меҳнат шартномаси тузилиши, ўзгарилиши ва бекор қилиниши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг аниқ ҳамда тўла-тўқис ҳуқуқий тартибга солинишини тақозо этади.

МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИ иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисмида белгиланган. Шунга мувофиқ:

1) технотўғидаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганилиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси ётарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажарётган ишига нолуқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қўнунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган қўнун эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такоран интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги;

5) ўриндошлик асосида ишла-

ТАДБИРКОРЛИКНИ ривожлантиришга қўмаклашиш, янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қўнун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш соҳасида Навоий вилояти адлия бошқармаси аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ўтган даврида 20 дан ортиқ ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди. Хусусан, Навоий шаҳар ветеринария бўлимида тадбиркорлик субъектлари ва ҳусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўнун ҳужжатларига риоя этилиши устидан вилоят адлия бошқармаси мониторинг ўтказди.

Унинг натижаси шуни кўрсатдики, ветеринария бўлими ходимлари томонидан Навоий шаҳрида гўшт маҳсулотларини майдалаб сотиш билан шуғулланувчи яқна тартибдаги тадбиркорлар Шухрат Ўргучев, Бекзод Ашуров, Баҳодир Қаримов, Санжар Пулатов, Зафар Раҳмонов ва Самандар Ҳолов фаолияти Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кармана тумани ҳудудий кенгашининг тегишли рухсати бўлмаган ҳолда текшириш ўтказилган. Бу эса ноқонуний ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва бурч

Иш берувчининг ташаббуси

билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари



майдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чеклашни сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган

меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги;

7) ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қўнун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда, деган қоидалар шундай асослар сирасига кириди.

Шу ўринда қўнунчилигимизга жорий йилнинг 1 январидан эътиборан қўчга киритилган пенсия ёши билан боғлиқ юқорида-

Адлия ёрдам берди

Ўзбошимчалик

ташвиш келтирди



Шу боис ноқонуний текшириш ўтказган Навоий шаҳар ветеринария бўлими бошлиғи Д.Хидиров "хайфсан" интизомий жазога қўлланилган.

Шунингдек, Қонимех тумани ветеринария бўлими ходимлари томонидан гўшт майдалаб сотиш фаолияти билан шуғулланувчи яқна тартибдаги тадбиркорлар

Отабек Камолов, Дадажон Мўхаммадов, Тўймурот Раҳматов, Ярашбой Бердиевларга нисбатан ҳам такор-такор маъмурий жарима қўлланилган.

Ваҳоланки, "Назорат қилувчи органлар томонидан яқна тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғри-

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ туфайли бугунги кунда биз ёшларга ўз иқтидоримизни, истеъдодимизни намоён қилишимиз учун барча шароитлар яратилган. Бу эътибор, бу раҳмхўрликлар биз учун қанчадан-қанча имкониятлар эшигини очиб бераётганини фахр билан айтамыз.

Таассурот

Танлов менинг ҳаётимда

"Ҳуқуқ билимдонлари"

ютукларга рағбатлантирди

2011 йилда эса ушбу танловда вилоятимизнинг "Парламент" жамоаси сардори сифатида иштирок этдим. Ҳудудий босқичда Навоий вилояти билан беллашиб, финал босқичида имтиёзли иштирок этиш имкониятини қўлга киритдик. Интилишларимиз самараси ўлароқ, танловнинг республика босқичида олий ўрин совриндори бўлдик, бош соврин — "Ҳуқуқ билимдонлари" кўчма кубогини илк марта бизнинг Қашқадарё вилояти "Парламент" жамоаси қўлга киритди.

Шу кўчга қадар жуда кўп қўриқ-танловларда иштирок этдим. Лекин айнан "Ҳуқуқ билимдонлари" танлови менда катта таассурот қолдирди. Бу танловда иштирок этиш бахтини ҳар бир тенгдошимга тилайман ҳамда беллашув ташкилотчиларига жамоамиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Гулноза ДИЛМУРОВА,
Қарши Ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси

ги нормага тўхталиб ўтсак. Дейлик, пенсия ёшига етиш Швеция ва Люксембург, Нидерландия давлатларида ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда "узрли сабаб" (асос) бўлиб ҳисобланади. Францияда пенсия ёшига етиш билан автоматик тарзда меҳнат шартномасининг бекор бўлиши жамоа шартномаларида кўзда тутилиши мумкин.

Қўнунчилик мамлакатларнинг қўнунчилигида пенсия ёшига етиш меҳнат шартномасини бекор қилишда "узрли сабаб" бўлиши белгиланмаган, лекин алоҳида тоифадаги ходимлар (масалан, корхоналарнинг раҳбар ходимлари) учун маълум бир ёшга етгандан сўнг пенсияга чиқиш шартлиги белгиланган. Шунингдек, баъзи давлатларда (Буюк Британия, Италия) пенсия ёшига етган ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига қўнунлар қўнунлар томонидан муҳофазага олинмайд.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасида иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан қўнун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда бекор қилинганда қамда икки ой олдин ходимни ёзма равишда (имзо қилтириб) огоҳлантириш шартлиги белгилаб қўйилган.

Мўхаммад ТОШОВ,
Бухоро вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

сида"ги низомнинг 2-бўлими талаблари юзасидан яқна тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштиришда НҚОМРК ҳудудий комиссиядан розилик олиниши шарт бўлсада, шаҳар ва туман ветеринария бўлими томонидан бундай розилик олинмаган.

Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги ва уларнинг ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганилиги учун тегишли жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам белгиланган. Шунга кўра, вилоят прокуратурасига Навоий шаҳар ҳамда Қонимех тумани ветеринария бўлими мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш юзасидан тақлиф юборилди.

Ҳуқуқбузар ветеринарлар суд қарорига кўра, катта миқдордаги жарима тўлаётганда, ўзбошимчаликлари ўзига ташвиш келтирганини аңглаб етмишди.

Баҳодир ТОШОВ,
Навоий вилояти адлия
бошқармаси
бўлими бошлиғи

Интервью

Бугун ўзбек автомобилсозлигига асос солинганига 15 йил тўлади



— Мен тadbиркорлик билан шуғулланман, — дейди тошкентлик Абдулло Турсунов. — Машинам 2009 йилда ишлаб чиқарилган. Кўз тегмасини мана икки йилдирки, бирор жойда носозлик юз бермади. Мотори енгил ишлайди. Тижорат ишлари, дўстларим ва oilа билан юртимизнинг бир қатор вилоят, туманларига машинада ҳеч қандай муаммосиз бориб келаман.



— Сизга қандай таърифлаб берсам экан, — дейди Тошкент шаҳрида тadbиркорлик билан шуғулланувчи Иркин Эргашев. — Бундан анча йиллар илгари ҳам машина бўлган. Хорижники эди. Ишонасизми, деярли: ҳар йили моторини қайта таъмирлаб бозор бўлиб кетгандим. Бугунга келиб юртимизда ишлаб чиқарилган "Ласетти" машинасини ҳузур қилиб миниб юрибман. Машинам қарийб 120 000 км. юрган бўлса ҳам ҳали бирор-бир эхтиёт қисмини алмаштирганим йўқ. Энг муҳими, қулай, чарчамай-сиз. Руль қисми енгил (гидравлик), ёз жазирасида жонга оро кондиционери ишлаб турибди.



— Ўзим "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида ишлайман, — дейди Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Даур Салахутдинов. — Бу "Матиз" автомашинасини 2009 йил август ойида Асакадаги автосалондан сотиб олгандим. Ёнилни сарфи 6,3/100 км.га Ўзбекистонимиз автомобилсозлигига айна пайда жондан бераётгани рост. Дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ичиде етакчи ўринда туриши ҳам бежиз эмас.



— "Дамас" автомашинаси роса ҳўжалиқбоп улов экан, — дейди дангаралик Нуриддин Азимов. — Мен уста-хўнарсонлар тайёрлаган махсулотларни Тошкентдаги савдо нуқталарига етказиб бераман. Сизга маълумки, Дангарадан келиш учун довол орқали ўтиш керак. Юк ҳам табиий равишда ўзига яраша бўлади. Мен ўз юртимнинг мустақам ва чидамли бу автомашинасига тўғриси қойил қолдим.

"Инсон ва қонун" мухбири Умид СОРИЕВ ёзиб олди.

БУГУНГИ КУНДА маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан биридир. Маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбига жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, ялқовлик каби салбий иллатларга ўрин қолмайди, ватанпарварлик, вратувчанлик туйғуларини юксак даражага кўтариллади. Ўзаро муносабатларда эса самимийлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, эътиқод, масъулият ва бошқа бир қатор ижобий фазилатлар халқимиз турмуш тарзининг ажралмас бойлиги сифатида анада мустақам ўрин эгаллайди.

МАЪНАВИЯТИ қашшоқ ёки маънавиятдан маҳрум бўлган одамдан бирор нарса кутиш асло мумкин эмас. Чунки у яхшилик ва эзгулик ҳақида умуман ўйламайди. Атрофига ва ҳатто ота-онаси, қариндош-уруғлари тақдирига ҳам бефарқ, қоқдай ҳолда шунчаки яшайди.

Маънавиятимизни бузишга ҳаракат қилаётган иллат бу "оммавий маданият" ниқоби остида ёшлар онгини бузишга, эътиқодимизни, қадриятларимизни топташга ури-наётган ҳуруждир. "Оммавий маданият" маънавий-мафкуравий таъйиннинг энг хавфли қўринишларидан бири бўлиб, маънавиятга, миллий қадриятларга қарши қаратилган тажовуз ҳисобланади. У инсонни манкурт даражасига туширадиган, халқни эса оломонга айлантириши мумкин бўлган иллат, бир сўз билан айтганда, ғайрихалқий ҳаракатдир.

Япон миллиятига мансуб америкалик олим Ф.Фуку-

Менталитет ва шахс

Маънавиятга

тахдид — келажакка тахдид

яманинг фикрича, унинг илк аломатлари 1960 йилларда ғарбда пайдо бўлган. У асосан кино-чиликнинг ўсиши, оила инқирози, аҳоли сонининг камайиши сингари қўринишларда намоён бўлганлигини таъкидлаган. Яна бир олим Д.Вилерсоннинг фикрича, ғарб жамиятида

беҳаё фильмлар, мазохизм, яъни шахнинг ўзига нисбатан оғрикли ёки ҳақоратли хатти-ҳаракатларга мойиллиги каби ғайрихалқий ҳаракатларнинг кенг ёйилиши унинг кучайишига сабаб бўлган. Ахборот алмашинуви тезлашган ҳозирги вақтда бу ҳуружнинг тарафдорлари ўзларининг таъсирли



нинг кенг тарқалиши натижасида "оммавий маданият"нинг таъсирли ҳудуд тобора кенгаймоқда. Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Булар халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий онига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

ларимизни, тарихан шакланган миллий менталитетимизни асрашимиз лозим. Шундай қилайликки, ёшларнинг маънавий оламида бўшлиқ қолмасин. Бунинг учун ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбияни сусайтирмаслигимиз керак.

Юртбошимиз раҳнаомлигида олиб борилаётган сиёсат, авваламбор, халқимиз, айниқса, ёшларимиз келажиги учун олиб борилаётган сиёсатдир. Маънавиятимизга тахдид эса ўз навбатида келажакимизга тахдид ҳисобланади. Ўз келажигини таъминлашга интилган ҳар қандай давлат ёки миллат, энг аввало, ёшларга нисбатан тўғри сиёсат олиб боради. Модомики, шундай экан, юртимизда ёш авлод камолоти ва келажакимиз масаласи давлатимиз сиёсатининг марказида туради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ёшларнинг ўз ўрни, мамкеи ортаётган бир даврда уларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий тарбиясига алоҳида эътибор бериш бугуннинг талабидир.

Аъзамжон САРАБЕКОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Назар

Вояга

етмаганлар:

Энг аввало уларга

тоза муҳит, юксак

тарбия зарур

МАЪЛУМКИ, айрим ота-оналар вояга етмаган фарзандларини назоратсиз қолдиришлари тўғриси улар томонидан турли қўриқчилик ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилади. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни юқориде зикр этилган муаммоларни олдини олишга хизмат қилади.

ЧУНКИ, мазкур Қонунда вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари, бу вояга етмаган ёшлар қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларда қонунга итоаткорлик руҳини шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила фарзандларини ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш вазифалари белгиланган.

Бу борада вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, вазирлик ва ҳоҳимлик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ҳодимларидан катта масъулият талаб қилади.

Ҳуқуқий маданиятни ёш авлод орасида шакллантириш орқали уларни баркамол инсон, ижтимоий фаол шахс бўлиб ўсишларига эришиш керак. Акс ҳолда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг айрим ҳоллари вояга етмаганлар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бир гуруҳ бўлиб босқинчилик қилиш, товланмачилик, бировнинг мол-мулкини ўғирлаш каби жиноятларга аралашуш вояга етмаганлар томонидан ҳам кузатилиши мумкин. Шу боисдан ҳуқуқни, ҳуқуқий маданиятни ёшларнинг ички эҳтиёжига айлантириш тўғрисида зикр этилган номақбул ҳодисаларнинг юз беришини камайтиришга эришиб бўлмайди.

Баъзи ёшлар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар уларнинг айрим ҳаёсиз, уриш-жанжал билан мукамалашган кинофильмлар, миллий мафкурамига зид асарлар, ғайринисоний ғоялар гирдобига тушиб қолиши билан бевосита боғлиқ. Ҳаётий тажрибанинг етарли эмаслиги боис, уларда ўз қучига ишончи, бошқалар ҳуқуқини поймол этиш эвазига бўлса-да, ўзининг нимага қодир эканлигини санаб қўриш ва тенгқурларига намоён этиш истаги уйғонади. Авваламбор, ота-оналар дастлаб оилада улар онига маънавий етуқлик ҳисларини шакллантириш, сўнгра педагоглар ва маҳалла фаоллари бу жиҳатни ҳисобга олишларини истар эдим.

Улуғбек САТТОРОВ, Пастдарғом тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси қўриқчилик Маънавият комиссияси 2011 йил 28 июлдан 8-сон қарор ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2011 йил 11 июль қарор 97-ум-сонли бўлимига асосан (қўриқчилик шартини) "Нур" қавқатлар ҳаётининг адвокати Габбобла Муҳаммаднинг вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 8 июлда берилган 38 000105 рақамли адвокатлик фазилати билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг оила қўриқчи ва адвокатлик маркази ушбу ҳудуддаги тўғрисида.

Тўғрисида "Қўриқчи адвокатлик маркази" ташкилотининг 2011 йил 8 июлдан қарор ҳамда Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 29 июлдан 40-ум-сонли бўлимига асосан "Нур" қавқатлар ҳаётининг адвокати Габбобла Муҳаммаднинг вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 8 июлда берилган 38 000105 рақамли адвокатлик фазилати билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг оила қўриқчи ва адвокатлик маркази ушбу ҳудуддаги тўғрисида.

Азизжон БАХРОНОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Адлия фаолияти

Ортиқча ундирилган маблағлар

эгаларига қайтарилди

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, сўнги вақтларда тadbиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кўплаб иқтисодий ўзгаришлар ва қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

2011 йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" деб эълон қилиниши бевосита бизнес субъектлари янада ривожланишига имкон бермоқда.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1-чораги давомида тadbиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларидан келиб тушган 60 та ариза ва шикоятдан 46 таси қўриб чиқилиб, ўтказилган ўрганишлар давомида қўлланилган таъсир чораларига асосан маҳаллий ҳокимлик ва давлат бошқаруш органларининг 29 та ноконуний қарори бекор қилинди, тadbиркорлар манфаатини поймол этувчи 7 та ҳужжатнинг ижроси ҳаракатдан тўқтатилиб, 58 нафар айбдор мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Масалан, вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи ярми иш режасига асосан вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасида ўтказилган ўрганишда шу нарса аниқландики, Денов

туманидаги "Ўртақшўлоқ" маҳалласида фаолият юритувчи "Олтин куз Денов" агро-саноат фирмаси "Ёшлик" маҳалласи ҳудудига қурилиши мўлжалланган объект учун 2010 йил 6 июлда архитектура-режалаштириш ишларини бажарган. Ундан 339.120 сўм тўлов ундирилган. Ушбу субъект шўлоқ жойда фаолият юритаётганлиги сабабли энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари — 188.400 сўм ўрнига 339.120 сўм, яъни 150.720 сўм ортиқча маблағ ундирилган.

Шунингдек, "Бўстон лимони" фермер ҳўжалиги, "Содиқ" хусусий қорхонаси, "Махсус қурилиш таъмир бутлаш" МЧЖ ва "Самир Саломов" хусусий қорхоналаридан ҳам ҳар биридан 150.720 сўмдан жами 753.600 сўм маблағ ортиқча ундирилган.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қиритилган тақдиминомага асосан тadbиркорлик субъектларидан 5 та ҳолатда ортиқча ундирилган жами 753.600 сўм маблағ тегишли тартибда тadbиркорлик субъектларига қайтариб берилиши таъминланди.

Бахтиёр ТОЖИЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

— Фарзанднинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаи йўқолган. Унга такрорий гувоҳнома олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Д.ҲАМРОЕВА, Навоий шаҳри

— Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланган бўлиб, ФХДЭ органи манфаатдор шахсларнинг аризаларига қўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳнома беради.

Алоҳида ҳолларда (далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси йўқолганда, иккинчи нусха бўйича гувоҳнома олиш қулай бўлганда) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ФХДЭ архивлари далолатнома ёзувининг биринчи ва иккинчи нусхаларининг айнан бир хиллигини текширган-дан сўнг туғилганлик, никоҳ, ўлим ва никоҳдан ажралганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берилади.

Такрорий гувоҳнома олишни хоҳловчи шахс далолатнома ёзувларини қайд этган ФХДЭ органига бевосита ёки ўзи яшай турган жойдаги ФХДЭ органи орқали мурожаат этиши мумкин. Яшаш жойидаги ФХДЭ органи орқали такрорий гувоҳнома бериш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этилганда аризани қабул қилган ФХДЭ органи уни далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЭ органига иккун қўриқчи бўлиб юзатади.

тибда легализация қилинган ҳолатига қабул қилинади.

Бундан ташқари, никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувидан нусхалар ва такрорий гувоҳномалар никоҳланган шахсларнинг ўзларига ёки

нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга берилиши мумкин. Заар ҳолларда, никоҳланган шахсларнинг ота-оналарига, фарзандларига ариза асосида никоҳ қайд этилганлиги ҳақида


маълумотномалар берилиши мумкин. Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувида никоҳ ахтирилганлиги ҳақида белги бўлган ҳолларда такрорий гувоҳнома берилаётди.

Никоҳдан ажралганлик

маълумотномалар берилиши мумкин. Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзувида никоҳ ахтирилганлиги ҳақида белги бўлган ҳолларда такрорий гувоҳнома берилаётди.

Никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувларидан нусхалар ва такрорий гувоҳномалар никоҳдан ажралган шахсларнинг ўзларига ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга берилиши мумкин. Заар ҳолларда, никоҳдан ажралган шахсларнинг фарзандларига, меросхўрларига никоҳдан ажралганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида маълумотнома берилиши мумкин.

Шунингдек, ўлим ҳақида далолатнома ёзувидан нусха ва такрорий гувоҳномалар марҳумнинг яқин қариндошларига ва меросхўрларига ёки нотариал



МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-lq.uz
Сотувда эркин нархда